



Жанубий

ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2020 йил 22 сентябрь, сешанба. №84 (2859).

ҚОЗОҒИСТОН
ВАКЦИНАСИ –
ТАДҚИҚОТ ЖАРАЁНИДА

2

СИМ-САЛА БИМ,
АХАЛАЙ-МАХАЛАЙНИНГ
“ҚУДРАТИ”

6

СИЗНИНГ
ФАРЗАНДИГИЗ –
БИЗНИНГ ҚУВОНЧИМИЗ!

7

ҚОЗОҒИСТОН ТАШАББУСЛАРИ БМТ ЭЪТИБОРИДА



ҚОЗОҒИСТОН
ПРЕЗИДЕНТИ
ҚАСИМ-ЖЎМАРТ
ТЎҚАЕВ БМТ БОШ
АССАМБЛЕЯСИНИНГ
75-СЕССИЯСИДА
ИШТИРОК ЭТДИ

Кеча 193 давлатни бириктирган Бирлашган Миллатлар Ташкилотига 75 йил тўлиши муносабати билан олий даражадаги кенгаш ўтди. Олий даража ҳафталиги доирасида учта муҳим учрашув ташкил қилинади, 30 сентябрь куни биохилмаҳилликка бағишланган Саммит, 1 октябрь куни – хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Пекин декларациясининг 25 йиллигига бағишланган учрашув ва 2 октябрь куни ядровий қуролсизланиш масаласига бағишланган мажлис.

Олий даражадаги кенгашда сўзга чиққан ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқайев БМТ бундан кейин ҳам халқаро муносабатларда ҳал қилувчи ўрин тутиши билан бир қаторда босқичма-босқич ислоҳ этилиши жоизлигини таъкидлади.

Қозоғистоннинг БМТ Хавфсизлик кенгашига раислик қилган даврда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё давлат-

ларининг хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир махсус резолюцияси қабул қилинганини таъкидлади.

Юбилей сессиясида иштирок этган Қозоғистон Президенти ўз нутқларида долзарб халқаро муаммоларни ҳал қилишда жаҳон ҳамжамиятининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш, хусусан,

коронавирусга қарши кураш, глобал иқтисодий ўсишни тиклаш, терроризмга қарши кураш, ядровий қуролни тарқатмаслик ва қуролсизланиш, иқлим ўзгариши масалаларига тўхтади.

Давлат раҳбари БМТга тегишли танқидий фикрлар айтилишига қарамай, у жаҳон сиёсатида ҳал этадиган ролни бажарадиган муқобили йўқ ҳаммабоп ташкилот эканлигига тўхталиб, 2030 йилгача кун тартибидеги барқарор тараққиёт масалаларининг амалга оширилиши, халқаро сиёсатдаги БМТнинг ролини кучайтириш, Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик соҳалари бўйича амалга оширилиши лозим масалаларни таъкидлаб, қатор халқаро ташаббусларни тилга олди.

ҚОЗОҒИСТОН АҲОЛИСИ 1,3 ФОИЗГА ЎСДИ

Қозоғистонда шаҳар аҳолиси 60 фоизга яқинлашди. 2020 йил 1 август маълумотларига кўра, мамлакат аҳолиси 18 млн. 767,5 минг кишини, шу жумладан, шаҳарликлар – 11 млн. 049,0 минг киши (58,9 фоиз), қишлоқ аҳолиси – 7 млн. 718,5 минг киши (41,1 фоиз)ни ташкил этди. 2019 йил 1 августи билан таққослаганда мамлакат аҳолиси 238,6 минг кишига ёки 1,3 фоизга ўсди.

Ушбу даврда энг юқори умумий ўсиш мамлакатнинг учта ҳудудида: Алматы (64,2 минг киши), Нур-Султан (52,0 минг киши) ва Шимкент (30,6 минг киши) шаҳарларда кузатилди.

ҚозАхборот.

СОҲАНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ РАВНАҚ ТОПМОҚДА

ҚОЗОҒИСТОН БИРЛАШГАН АРАБ
АМИРЛИКЛАРИГА АККУМУЛЯТОР
ЭКСПОРТ ҚИЛИШНИ БОШЛАДИ

Маҳаллий аккумуляторлар янги экспорт бозорига чиқарилди. Бу ҳақда Хукумат мажлисида Қозоғистон Индустрия ва инфратузилмаларни ривожлантириш вазири Бейбит Атамқулов маълум қилди.

– Электротехника соҳасида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Жорий йилда маҳаллий аккумуляторлар янги экспорт бозорига – Бирлашган Араб Амирликларига кириб борди. Ички талаб ишлаб чиқарилган аккумуляторларнинг – 65 фоизни ташкил этади, – деди вазир. – Мамлакатимизда трансформаторларга талабнинг 85 фоизи қопланмоқда. Петропавлда 5-трансформатор заводи ишга туширилгач, биз йилига яна 10 мингта трансформатор ишлаб чиқарамиз. Бу трансформаторларга бўлган талабларни тўлиқ қоплайди, – деди Бейбит Атамқулов.

Хабар-24.



• Хушхабар

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕГАРАЛАРНИ ОЧАДИ

1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон ҳаво, темир йўл ва автомобиль назорат пунктлари орқали кириш ва чиқишга қўйилган чекловларни бекор қилади.

Республика махсус комиссияси қарорига биноан хорижий давлатлардан авиа, темир йўл ва автотранспорт воситаси орқали Ўзбекистонга келувчи шахсларни қабул қилишнинг янги тартиби жорий этилади. Жумладан, сўнгги 14 кун давомида «яшил» давлат (Хитой, Таиланд, Малайзия, Жанубий Корея, Грузия, Венгрия, Финландия, Латвия, Австрия ва Япония)даги шахслар – Ўзбекистон ҳудудига тўғридан тўғри кирилади. «Сариқ» (Озарбайжон, Беларусь, БАА ва Европа Иттифоқи давлатлари (Буюк Британия ва Испания бундан мустасно) ҳамда «қизил» давлатлардан (қолган барча давлатлар) кириб келаётган шахслар – сўнгги 72 соат давомидаги коронавирუსга ПЗР тести манфий

натижалари тўғрисида маълумотнома тақдим этган ҳолда Ўзбекистон ҳудудига киритилади.

1 октябрдан бошлаб, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон ва Афғонистон билан чегарада жойлашган автойўл ўтказиш пунктлари орқали Ўзбекистонга кираётган шахслар коронавирუსга ПЗР ёки экспресс-тест ёхуд антиген текширувдан ўтган ҳолда 14 кунга меҳмонхона ёки уй карантинига юборилади. Агар шахс сўнгги 72 соат мобайнида коронавирუსга тест топширмаган бўлса ёки унда коронавирუს инфекциясининг аломатлари (йўтал, иситма ва б.қ.) сезилса, Ўзбекистонга келганидан сўнг ўтказиш пункти (аэропорт, вокзал ёки бошқа) ҳудудида ўз ҳисобидан коронавирუსга ПЗР ёки экспресс-тест ёхуд антиген текширувдан ўтади ҳамда Ўзбекистон ҳудудига киритилиб, 14 кунга меҳмонхонага ёки уй карантинига юборилади.

ҚозАхборот.

Жорий йил баҳоридаги тошқин пайтида Қасқасу қишлоқ округидаги Юқори Қасқасу аҳоли манзилидаги «Аралық», «Кемерлік», «Сырғанақты» және «Сырғанақты-1» кўчаларини бир-бири билан боғловчи кўприкни сув оқизиб кетган эди. Фавқулодда вазиятдан сўнг туман ҳокими қошида тузилган комиссия дарҳол ишга киришиб, қурилиш ишлари бошланиб кетди. Куни кеча кўприк қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилди.

КўПРИК ҚУРГАН – КўП ЯШАР

Унинг очилиш маросимида туман ҳокими Б. Ўмарбеков иштирок этиб, қишлоқ аҳлини шодийна билан қутлади.

Тадбирда сўзга чиққан қишлоқ оқсоқоли Т. Бектаев аҳолининг баҳордан бери кўшни қишлоқларга бир неча чақирим масофадаги йўлдан айланиб ўта бошлагани, эндиликда аҳоли учун ҳам, автомобиллар ҳаракати учун ҳам қулай кўприк қурилганини айтиб, туман ва вилоят раҳбарларига миннатдорчилик билдирди.

Туманда йил сўнгигача яна 3та кўприк

таъмирланиб, фойдаланишга берилади. Чунончи, бугунги кунда 13та кўприк тубдан таъмирдан ўтса, 5таси ўртача таъмирланмоқда.

Кўприк қурган – кўп яшар... Туман кўприксозлари кўркам, замонавий, мустаҳкам иншоотлари билан ўз номларини мангуликка муҳрламоқдалар. Зеро, бунёдкорлик – буюклик, эл аро суюклик, мангуликдир.

“Жанубий Қозоғистон” муҳбири.

ҚОЗОҒИСТОН ВАКЦИНАСИ – ТАДҚИҚОТ ЖАРАЁНИДА

ҚР Таълим ва фан қўмитасининг Биологик хавфсизлик муаммолари илмий-текшириш институтида тайёрланган коронавирус инфекциясига қарши QazCovid-in вакцинасининг клиник тадқиқоти бошланди.

Хужжатлар қунт билан текшириб чиқилгач, Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги QazCovid-inR Қозоғистон вакцинасини клиник тадқиқотнинг I/II фазасини юритишга рухсат берди.

– Биринчи ва иккинчи босқич доирасида кўнгиллилар эмланади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эмлашга рухсат берди. Клиник тадқиқотга фақат 244 кўнгилли керак бўлди. Зеро, Биологик хавфсизлик муаммолари илмий-текшириш институтига (БХМИТИ) Қозоғистоннинг барча минтақасидан клиник текширувларда иштирок этишга розилик билдирган кўнгиллилардан ўн кун ичида тушган аризалар сони анча кўп бўлди. Ватандошларимизнинг фан соҳасига кўрсатган қўллови ва ишончи учун миннатдорчилик билдирамиз, – деди ҚР Таълим ва фан вазири ўринбосари Мирас Дауленов.

Вакцинанинг клиник текшируви 18-50 ёш ораллигидаги соғлом кўнгиллилар орасида олиб борилади. Унинг хавфсизлигини аниқлашга йўналтирилган текширишнинг I фазасида коронавирус билан оғриманган ҳамда антиабзолари йўқ 44 кўнгилли иштирок этади.

Иммуногенлиги текширишга йўналтирилган иккинчи босқичда 200 нафар кўнгиллининг иштироки режалаштирилган.

Институтга Қозоғистоннинг барча минтақаларидан клиник текширувда иштирок этишга истак билдирган 688 кўнгиллидан ариза тушганини айтиш жоиз. Энди улар скринингдан ўтгач, эмланадиган кўнгиллилар гуруҳи қурилади.

ҚР ТФВ матубот хизмати.

• Брифинг

Пандемиянинг иқтисодиётимизнинг қатор асосий соҳаларининг ривожланишига тўсиқ бўлаётгани аниқ. Шу боис иқтисодиётни барқарорлаштириш, тадбиркорликни, мамлакат маҳсулот ишлаб чиқарувчиларини қўллаш мақсадида Ҳукумат томонидан инқирозга қарши чоралар қабул қилинди. Шу билан бирга 2020 йилнинг охиригача иқтисодий ўсишни шакллантириш юзасидан мажмуавий лойиҳа тасдиқланди. Буни вилоят тадбиркорлик ва савдо бошқармасининг раҳбари Н. Иманқулов маълум қилди.

Қўллов – тадбиркорликка, тадбиркорлик – тараққиётга

Унинг айтишича, тадбиркорликни қўллаш орқали иқтисодиётни барқарорлаштириш тадбирлари уч йўналишда юритилмоқда. Жумладан, имтиёзли молиялаштириш солиқ имтиёзлари, “Оддий буюмлар иқтисодиёти” дастури бўйича молиялаштириш ҳажми республика миқёсида 1 трлн. тенгегача оширилди. Бугунги кунда Туркистон вилояти дастурни амалга ошириш бўйича республикада пешқадамлик қилмоқда.

– Дастур доирасида 50 млрд. тенгени ташкил этадиган 446та салоҳиятли лойиҳа бор. Жумладан, 27,8 млрд. тенгени ташкил этадиган 274та лойиҳа институтлар томонидан маъқулланиб, молиялаштирилмоқда, – деди бошқарма раҳбари.

Бугунги кунда минтақада дастурнинг

бюджети икки ҳисса ортиб, 4,8 млрд. тенгени ташкил этди. Молия доирасида 500дан зиёд корхонага қўллов кўрсатилди. Бундан ташқари хўжаликлар “Меҳнат” дастури, “Оңтўстик” минтақавий сармоя маркази ҳамда “Ырыс” микромолия ташкилоти молия институтлари, Агросаноат мажмуасини ривожлантириш дастурлари орқали бизнесни қўллаш мақсадида 80 млрд. тенгегача яқин маблағ кўзланган.

Йил охиригача 50 мингга яқин мамлакат товар ишлаб чиқарувчилари ва деҳқон хўжалиқларига молиявий ёрдам берилди.

Туркистон вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Кентов шаҳрида кузқиш мавсумига тайёргарлик ишлари жадал тус олган. Ҳозирча режанинг 60 фоизи бажарилган, 20 октябргача тўлиқ якулланади. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун вилоят бюджетидан тегишли маблағ ажратилди.

Куни кеча Туркистон вилояти табиий монополиялар департаментининг вакили ҳамда ҚР Энергетика вазирлиги, энергетикавий текшириш ва назорат қўмитасининг Туркистон вилояти бўйича минтақавий департаменти вакиллари Кентов шаҳрининг иситиш тизимидаги ишлар билан танишди.



Ишчи гуруҳ “Кентау сервис” муассасасининг амалга ошираётган ишларига ижобий баҳо берди.

Жорий йил кентовликлар қишдан қийналмай чиқишини айтган минтақавий департамент раҳбари Бекжан Алимқулов мавсумга тайёргарлик масалалари раҳбарларнинг бевосита диққат-марказида эканлигини таъкидлади.

Жорий йилги мавсумда “Кентау сервис” муассасаси 14534 абонентни иссиқлик билан таъминлашни режалашмоқда. Бугунги кунда муассасада 62 тонна суюқ ўтин тайёрланган бўлса, 27 минг тонна қаттиқ ўтин шартнома асосида Экибастуздан Кентов шаҳрига юборилган.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР ТАНЛОВДА ҚАТНАШДИ



Саттар Ерубоев номидаги ижодкор ёшлар танлови ниҳоясига етиб, ғолиблар аниқланди.

Туркистон шаҳрида икки кун давом этган вилоят танловида иқтидорли ёшлар ўзаро беллашиб, 8та номинация бўйича омадини синаб кўришди.

Иштирокчиларга ҳам офлайн, ҳам онлайн турда қатнашиш имкони яратилди.

Ёшлар имконият маркази ташкилотчилигида ўтган танловда Nur Otan партияси вилоят филиалининг биринчи котиби Б. Тажибаев қатнашиб, ижодкор ёшларга омад тилади.

Маълумки, Саттар Ерубоев истеъдодли қозоқ ёзувчиси бўлиб, атиги 23 йил умр кўрса-да, ажойиб ижод маҳсулларини мерос қолдириб кетган. Унинг хотирасига бағишланган танловда қатнашган йигит-қизлар ҳам ёш бўлишсада, ижод бобида бошқаларга ўрнак бўлишга арзийди.

Танлов поёнида ғолибларга Ташаккурномалар ва совғалар топширилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

СОЛИҚ ТўЛАШ МУДДАТИ ОХИРЛАМОҚДА

Қозоғистонликлар сентябрь ойининг охиригача ер ва мулк солиғини тўлашлари шарт. “Солиқ ҳамёни” хизматида солиқ тўловчилар ҳисобланган қийматлар тўғрисида ахборотни кўра олади.

Шунингдек, фуқаролар тўловларни иккинчи даражали банклар, “Қазпочта” ҲЖ тўлов карточкалари орқали аввалдан тўлдирилган маълумотлардан фойдаланиб, тўлашлари мумкин. E-Salyq қўшимчасини Play Market ёки App Store тармоғидан юклаб олиш мумкин.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

ҚАЖИМУҚАН МУНАЙТПАСОВ НОМИДАГИ СПОРТ МАЖМУАСИ ҚУРИЛАДИ

Ўрдабоши туманида Қ. Мунайтпасовнинг 150 йиллиги муносабати билан ёдгорлик мажмуаси барпо этилади. Замонавий қиёфа касб этадиган иншоотнинг қурилиши жорий йилнинг ноябрь ойида бошланиб, 2021 йилнинг октябрь ойида тугалланади.

“Ғарбий Европа – Ғарбий Хитой” халқаро йўли бўйида қад ростлайдиган ёдгорлик мажмуасининг майдони 5 гектарни ташкил қилади. Бу ерда кутубхона, кўрғазмалар зали, меҳмонхона, ошхона, мажлислар зали, спорт зали, спортчиларнинг кийиниш ва ювиниш хоналари бўлади.

Иншоотнинг атрофи кўкаламзорлаштирилиб, ўриндиқлар ва тунги чироқлар ўрнатилди. Шунингдек, лойиҳада болалар майдончаси ва автотураргоҳлар ҳам кўзда тутилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, спортнинг бир неча тури билан шуғулланишга мослаштирилган иншоотда йирик мусобақалар ҳам ўтказиш мумкин.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг жорий йилги Мақтубида тадбиркорлик шўъбасини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор вазифалар белгиланган. Президент солиқ имтиёзлари, насиялар бўйича тўлов муддатини чўзиш, текширувларга тўсиқ қўйиш масалалари билан бир қаторда, кенг қамровли ва сифатли иш билан таъминлаш, кичик ва ўрта бизнесни насиялаш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

“Қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармаси” (“ҚазАгрохолдинг”нинг кўмакчи компанияси) йилнинг муҳим ҳужжатида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида “Меҳнат” натижали бандликни таъминлаш

ДЕҲҚОНЛАР ҒАМХЎРЛИК ОҒУШИДА

ҳамда оммавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида тадбиркорларга имтиёзли кичик насиялар бериш учун 36 миллиард тенге маблағ йўналтиришни режалаштирмоқда.

Ушбу дастур доирасида Жамғарма сўнгги беш йилда умумий қиймати 160 млрд. тенгегача 53 мингдан зиёд фуқаро иш билан таъминланди. Жамғарма ўзининг насия маҳсулотлари орқали қишлоқ меҳнатқашлари ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи-

ларининг лойиҳаларини турли мақсадли йўналишлар бўйича молиялаштириб келмоқда.

Улар орасида чорвачилик, деҳқончилик, қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш лойиҳалари бор.

Натижали иш билан таъминлаш дастури доирасида турли мақсаддаги насиянинг йиллик устама миқдори 6 фоизни ташкил қилади.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

МЕДАЛЛАР БИЛАН ТАҚДИРЛАНИШДИ

Элбоши Нурсултан Абишули ташаббуси билан тузилган Қозғоғистон халқи Ассамблеяси 25 йиллигини нишонлапти. Шу боис Шимкент шаҳар Қозғоғистон халқи Ассамблеяси раисининг ўринбосари, Шимкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Шинғис Муқан қатор фуқароларни «Қозғоғистон халқи Ассамблеясига 25 йил» байрам медали билан тақдирлади.

Шалатай Мирзахметов – Шимкент шаҳар Қозғоғистон халқи Ассамблеяси Жамоат тотувлиги кенгаши аъзоси;

Рисбай Исамудин – Шимкент шаҳар фуқаролар кенгашининг раиси, Шимкент шаҳар Қозғоғистон халқи Ассамблеяси Жамоат тотувлиги кенгашининг аъзоси;

Дўсибай Шеримқулов – Шимкент шаҳар фахрийлар кенгашининг раиси, Шимкент шаҳар Қозғоғистон халқи Ассамблеяси Жамоат тотувлиги кенгашининг аъзоси;

Муратали Қалмуратов – Nur Otan партияси шаҳар филиали раисининг ўринбосари;

Мадийр Юнусов – Халқаро Silkway университетининг президенти;

Балхия Кўмекбаева – Қозғоғистон халқи Ассамблеяси қошидаги Оналар кенгашининг раисаси;

Жумағали Билисбеков – “Шимкент шаҳар Фуқаролик Альянси” Ҳамжиҳатлик ЗТБ президенти;

Айғаним Кумисбек – “Nag TV” телеканали директорининг ўринбосари;

Улбике Сарибасова – “Айғақ” телеканали редактори;

Шуддин Саидов – “Отрар” телеканали муҳбири;
Нурбек Байбўсинов – “Хабар-24” телеканали муҳбири;

Талғат Балтабаев – “Уақыт” газетасининг бош муҳаррири,

Любовь Доброта – “Казахстанская правда” газетаси муҳбири,

Бахтияр Тайжан – “Шимкент ақпарат” МЧБ директори,

Уали Қидир – “Оңтүстік” телеканали директори;
Нурғазӣ Бухарбай – Шимкент шаҳар Жамоатчилик кенгаши раиси;

Рашид Минбаев – Шаҳар ҳокими девони раҳбарининг ўринбосари;

Айгуль Сарсеева – Шаҳар ҳокими девони раҳбарининг ўринбосари;

Балмаржан Нарбекова – Таълим бошқармаси раҳбарининг ўринбосари;

Лайла Зайнутдинова – Тадбиркорлик ва индустриал-инновационий тараққиёт бошқармасининг бош мутахассиси;

Даурен Шинтасов – Шимкент шаҳар ҳокими девонининг бош йўриқчиси;

Айгул Амзеева – Шаҳар ички сиёсат ва ёшлар ишлари бўйича бошқармасининг бош мутахассиси.

Ербўл Байқўнақов – Шаҳар ички сиёсат ва ёшлар ишлари бошқармасининг «Жамоат тотувлиги» ДКК раҳбари.

Айтиш жоизки, бугунги кунда шаҳардаги 1 млн. 38 мингдан зиёд аҳолининг 67,4 фоизини қозоқлар, 17,6 фоизини ўзбеклар, 8,9 фоизини руслар ва 6, 1 фоизини бошқа этнос вакиллари ташкил этади. Мегалполис миллий анъана, урф-одатлар чашмаси саналиб келинган. Дўстлик маркази бўлган шаҳримизда 17та этномаданият бирлашмаси фаолият юритади.

Шимкент ахборот-коммуникация маркази.

ЮРТ ИШИГА КАМАРБАСТАЛАРГА ЭҲТИРОМ

«Қозғоғистон халқи Ассамблеясига 25 йил» юбилей медали билан Қозғоғистон ўзбеклари «Дўстлик» ҳамжамияти раиси Икромжон Ҳошимжонов, Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Тоҳир Ҳакимбеков, 107-сонли мактаб-гимназия директори Баҳодир Нуралиев, «Дўстлик» ҳамжамияти қошидаги оналар мактаби раисаси Фароғат Ҳожиматова, ҳамжамият фаолларидан Бегмат Турдиқулов, Тоҳир Нишонбоев, Гулнора Қосимова, Нурхон Дўсматова, Маҳфуза Мусоева, шаҳар ўзбек драма театрининг актёрлари Жавлон Саидов, Улғбек Носиров ва кўплаб бошқалар тақдирланишди.

Миллатимизнинг элим, юртим деб ёниб яшаётган фарзандларини мукофотлари билан кутлаб, ишларида зафарлар тилаймиз.

“Жанубий Қозғоғистон” муҳбири.

ПОЛИЦИЯ ФАОЛИЯТИ РАҚАМЛАРДА



Туркистон шаҳар полиция бошқармасининг раҳбари Бауржан Селтанов бошқарманиннг жорий йил 8 ойида бажарган ишлари юзасидан ҳисобот берди.

Ҳисобот чоғида жиноий ҳуқуқбузарликнинг даражаси ўтган йилнинг мазкур даври билан таққослаганда 918дан 683га ёки 25,6 фоиз камайганини таъкидлади. Жумладан, криминал полицияга доир йўналишдаги жиноий ҳуқуқбузарликнинг даражаси ўтган йилнинг 8 ойида 843 ҳолатидан

жорий йил 620га, 26, 4 фоизга камайган.

Раҳбарнинг маърузасида таъкидланган кўрсаткичлар муҳокама қилиниб, Рашид Абатули маҳаллий полиция ходимларига жиноятнинг олдини олиш мақсадида бажарилиши жоиз профилактика тадбирларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Туркистон шаҳар ҳокимлиги.

36 МИНГ КОМПЬЮТЕР ЎҚУВЧИЛАРГА ТАРҚАТИЛДИ

Масофадан таълим олаётган шимкентлик 222 050 ўқувчидан 80 780 нафарига, яъни 36, 3 фоизига компьютер етишмаслиги туфайли онлайн дарсларда иштирок эта олмаяпти. 80 780 ўқувчи, яъни уларнинг 37 873 нафари компьютерга, 42 907 нафари эса ижтимоий кўмакка муҳтож.

Ижтимоий ёрдамга муҳтож 20150 оиладаги 35 798 нафар ўқувчиларга компьютерлар вақтинча фойдаланиш учун тақдим этилди. Қолган 44 982 нафар бола 36 355та давлат жамғармаси ва маҳаллий бюджет томонидан компьютерлар билан таъминланади. Харид қилинган компьютерлар муҳтож ўқувчиларга вақтинча фойдаланиш учун тақдим этилади.



МАСОФАДАН ТАЪЛИМ

Пандемия бутун дунёда таълим соҳасига сезиларли таъсир кўрсатди.

Бугунги кунда таълим муассасалари, талабалар ҳамда муал-

лимлар масофавий таълим олишга киришиб кетишди.

Айни кунларда Шимкент шаҳри мактабларининг 1-4 синф ўқувчилари ихчамлаштирилган карантин

талабига қатъий риоя қилган ҳолда, таълим олишмоқда. 49640 нафар ўқувчи учун 3344та навбатчи синфлар фаолият юритапти.

Шимкент шаҳар ҳокимининг матбуот хизмати.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Шимкент шаҳри туманларида туман судининг судьялари ва қишлоқ бийлари, медиаторлар билан учрашувлар ташкил этиш анъанага айланган.

Мақсад – медиаторларнинг ишини жонлантириш, малакасини ошириш. Енбекши туман судининг судьяси Еркин Ўтарбаев Қазигурт ҳудуди бўйича қишлоқ бийлари ва медиаторлари билан учрашиб, фикр алмашишди.

Йиғилишда оилавий можароларни судгача ҳал этиш, шунингдек, никоҳ бузилиши ҳолатларига йўл бермаслик борасида ҳамкорликда иш олиб бориш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Туман судининг судьяси қишлоқ бийлари ва медиаторларнинг ишини жонлантириш, медиация қонуни борасида ўз фикрларини ўртага ташлади. Тадбирда Енбекши тумани ҳокимининг матбуот хизмати раҳбари Ерлан Кузенаев семинар-тренинг ўтказди. Унда бир гуруҳ медиаторлар қатнашиб, билим-малакасини орттирди.

“МАЛАХИТ” ДАСТУРИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Шимкент шаҳрида болаларни жамиятга мослаштириш, билим олишда ҳеч бир тўсиқ бўлмадлиги каби тизимли тадбирлар қабулланган.

Бу ҳақда Шимкент шаҳри ҳокими Мурат Айтенов маълум қилди.

– Бу йил ногирон болаларнинг бемалол билим олишини таъминлаш мақсадида “МАЛАХИТ” махсус таълим ташкилотларининг хизматлари” дастури ишга туширилди. Унда махсус таълим ташкилотлари кўрсатадиган хизматларни тўсиқсиз олиш имконияти яратилган, – деди Мурат Дуйсенбекули.

Шу билан бирга, у техникавий ва касбий таълим

тизимини йўлга қўйиш, халқ хўжалигида юқори талабга эга мутахассисларнинг рўйхатини шакллантириб, уларнинг иқтисодий ёрқатлантирувчи куч сифатидаги ролини ошириш мақсадида амалга оширилган тадбирларни маълум қилди. Шаҳар ҳокимининг айтишича, шу йўналишда “College Smart Nation” портали жорий этилган.

Ушбу порталда талабаларни ўқишга қабуллаш, зарур маълумотларни электрон тармоқ орқали олиш ва бепул овқат билан таъминлаш масалалари ҳам кўзда тутилган.

Шимкент шаҳар ҳокимининг матбуот хизмати.

БАҲСЛАРДА РАИСЛАР ҚАТНАШМОҚДА



Вилоятимизда праймеризнинг шаффоф баҳс-мунозаралари қизгин тус олди. Қизиқ жиҳати, минтақамиздаги баҳслар турли жойларда уюштирилмоқда. Айниқса, чекка ҳудудларда рақобат кучли.

Жетисай туманидаги баҳс туман марказидаги “Ғалаба” майдонида уюштирилди.

Унда 6 нафар номзод қатнашиб, ўзаро фикр алмашди. Номзодлар ишсизлик билан кураш, қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш ва бошқа долзарб масалаларни кўтаришди. Баҳсда Жетисай тумани ҳоқими, партия туман филиали раиси Жамантай Бейсенбаев қатнашиб, номзодларнинг чиқишларини кузатиб борди.

Туманда партия аъзолари 7302 нафар. Улар 20та бошланғич партия ташкилотига бириктирилган. Ҳозиргача 4600дан зиёд партия аъзоси праймериз ахборот тизимида рўйхатдан ўтди. Жетисай тумани буйича 85 фуқаро прайме-

ризга номзод сифатида рўйхатга олинди.

Ўтрор туманидаги баҳс ҳам мунозараларга бой бўлди.

Умуман, Ўтрор туманида Nur Otan партиясининг 3182 нафар аъзоси бор. Праймеризда 52 номзод омадини синаб кўрмоқда. 2633 нафар аъзо овоз бериш учун рўйхатдан ўтган.

Туркистон вилоятида 14-17 сентябрь оралиғида юздан зиёд баҳс ўтказилиб, уларда 400 нафарга яқин номзод қатнашди.

**Nur Otan партияси
вилоят филиалининг
матбуот хизмати.**

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АҚЛЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Олимлар қишлоқ хўжалиги соҳасига ақлли технологияларни жорий этишяпти. Бу борада Шимкент шаҳрининг ҳоқими Мурат Айтинов М. Ауэзов номидаги ЖҚДУ жамоаси билан учрашув чоғида маълум қилди. Техника фанлари номзоди Бердияр Қалимбетов “Ақлли қишлоқ хўжалиги” концепциясини таяйёрлаётгани ва йил охиригача шаҳар раҳбариятига топширишини айтди.

— Шаҳар қошида “Ақлли қишлоқ хўжалиги” муассасасини ташкил этишни тавсия этаман. У уни-



верситетимизнинг олимлари ишлаб чиқараётган энг янги технологиялар ҳамда рақамли машиналарнинг барча имкониятларини ўзида жамлаши керак. Унинг таркибиде “Ақлли дала”, “Ақлли ферма”, “Ақлли иссиқхона” ва “Ақлли боғ” деган бўлимлар бўлади. Биз ҳар бир йўналиш бўйи-

ча ишлаймиз, — деди Б. Қалимбетов.

Ўз навбатида шаҳар ҳоқими бу лойиҳаларга тадбиркорларни жалб этиш зарурлигини маълум қилди. Яъни, фан янгиликларига бизнес ҳамжамиятининг эътиборини қаратиб, лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

УЧИНЧИ ШАҲАР ЧИРОЙ ОЧДИ

**WORLD CLEAN UP DAY БУТУНЖАҲОН
АКЦИЯСИ ДОИРАСИДА
ШИМКЕНТДА ШАНБАЛИК ЎТДИ**



Мақсад — экологик билимни ошириш ва атроф-муҳит ифлосланишига йўл бермаслик. Мазкур шанбаликда шаҳар ҳоқими Мурат Айтинов, шаҳар ҳоқими девони ва маслаҳат девони ходимлари иштирок этиб, Дендробоғ ҳудудини ахлатдан тозалашди.

Шунингдек, шаҳар раҳбари дендробоғни оради. Жорий йил боққа жамғармасини кўпайтириш учун янги кўчат турларининг 42 хили, бутадарахтларнинг 5341таси ўтказилди. Тадбирда 30 мингдан зиёд киши иштирок этди, 60га яқин ахлат ташийдиган техника жалб этилди.

**Шимкент шаҳар
ҳоқимининг матбуот
хизмати.**

Устознинг фарзанди — муаллим, деҳқоннинг фарзанди — миришкор, шифокорнинг фарзанди — жароҳ бўлиб етишса, ҳеч ким ажабланмайди. Бироқ ўша фарзанд ота-онаси бошлаган ишни муносиб равишда давом эттирса ва эл орасида обрў-эътибор қозонсагина, нур устига нур бўлади.

Сайрамлик Сулаймоновлар оиласини қурувчилар сулоласи деб аташ мумкин. Оила бошлиғи Низомхон Сулаймонов бу соҳада 52 йилдан бери меҳнат қилмоқда. Шимкент шаҳридаги 7та хусусий болалар боғчаси ва 3та умумтаълим масканининг бунёд этилишида барча фарзандлари каби кенжа ўғил — Лазизхоннинг ҳам ҳиссаси катта. Ҳозирда ушбу даргоҳларда 10 минг ўқувчи таълим ва тарбия олмақда, уларга бир ярим мингга яқин ўқитувчи сабоқ беради.

ОТА ИЗИДАН БОРАЁТГАН ФАРЗАНД

Лазизхон пухта замонавий билим ва бой касбий тажрибага эга мутахассис. Жумладан, Шимкент шаҳридаги қозоқ-турк лицейида таълим олгани, қозоқ, турк, инглиз, рус тилларида эркин сўзлаша олиши, фикри мизга далил. Унинг икки олий маълумоти бор: аввал “Қайнар” университетини, сўнгра М. Ауэзов номидаги ЖҚДУни тамомлаб, “Чет тили ўқитувчиси” ҳамда “Қурувчи-муҳандис” ихтисосликларини эгаллаган.

Меҳнат фаолиятини 1998-2004 йилларда Шимкент шаҳридаги 85-сонли Ҳамид Олимжон номи мактабда ўқитувчиликдан бошлагани учун ҳам бу машаққатли касбнинг сир-асрорларидан яхши хабардор.

Лазизхоннинг кейинги фаолияти қурилиш соҳаси билан боғланди. 2005 йилдан падари бузруквори, таниқли қурувчи Низомхон Сулаймонов бошқарадиган “PCY-1” МЧБ директорининг ўринбосари лавозимида ишлаб, мўл тажриба орттирди. Сўнг ўзи ҳам мустақил ишга қўл урди. 2008-2016 йилларда “Авторемстрой LTD” МЧБ директори бўлди, бирмунча муддат “Soutx Aluplast” МЧБни бошқарди. Шу кунларда Лазизхон Сулаймонов “Big City Building” раҳбарининг ўринбосари бўлиб ишламоқда.

Ўтган йиллар мобайнида Л. Сулаймонов бошчилигидаги қурилиш компанияси вилоят ва шаҳар бюджети ҳисобидан бунёд этилган 12та мактаб, 2та болалар боғчасининг қурилиши, шунингдек, Шимкент шаҳридаги ҚХА биносини тубдан таъмирлаш, кўплаб таълим ҳамда тиббиёт муассасаларини жорий таъмирдан ўтказишда иштирок этди.

Сулаймоновлар оиласи томонидан бунёд этилган болалар боғчалари Элбошимиз Н. Назарбаев ташаббуси билан амалга оширилаётган “Балапан” дастурини Сайрам даҳасида юз фоиз бажаришга имкон берди. Айниқса, “Исфижоб” мавзесидаги 1000 ўринли “Арофат”, “Мирас” мавзесидаги 1200 ўринли Абай Қунанбаев, Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғидаги 1200 ўринли Н. Сулаймонов номидаги мактаблар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Чунинчи, ўқувчилар сонига кўра, бу таълим масканларига тенг келадиган хусусий мактаблар республикамизда, ҳозирча, йўқ. Лазизхон ҳам шундай масъу-



лиятни чуқур ҳис этган ҳолда 2018-2020 йилларда “Арофат” мактабининг бош директори бўлиб хизмат қилди. 2020 йилдан эса Абай Қунанбаев номидаги мактаб бош директори этиб тайинланди. Шу тариқа у таълим соҳаси олдида турган ҳар томонлама билимли, рақобатбардош ва баркамол ёшларни тарбиялаш вазифасини ҳаётга жорий қилишга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Лазизхон Низомхон ўғли жамоат ишларида ҳам фаол. Бир неча йил Шимкент шаҳар Енбекши туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосари, 2014-2017 йилларда Қозоғистон ўзбек этномаданият бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамиятининг аъзоси бўлди. Ҳозирги кунда эса Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раисининг тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосаридир.

2010 йилдан Nur Otan партияси Қоратов туман филиали “Исфижоб” бошланғич партия ташкилоти раисининг ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда. Қисқа вақт мобайнида унинг сазъ-ҳаракатлари ўлароқ партия аъзоларининг сони кўпайди. Унинг хайри тадбирларида иштирок этиши, эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатиши натижасида аҳоли орасида бошланғич партия ташкилотининг нуфузи ва обрўси ошди.

Инсонларга саховат ва мурувват кўрсатиш фазилати унга падари бузруквори Низомхон акадан “юққан” десак, адашмаймиз. **2015 йил Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасида 1500, 2017 йил Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғида 1000 ўринли масжидлар қуриб, фойдаланишга топширди. Жорий йил кўкلاميда Сайрам даҳасининг Қирмозор маҳалласидаги кўчани асфальтлаб, маҳалла аҳлининг олқишига сазовор бўлди.**

Чунинчи, ушбу йил элимиз бошига тушган синовли кунларда у саховат танитиб, **шахсий маблағи ҳисобидан Шимкент шаҳар юқумли хасталиклар касалхонасига кислород ва тиббиёт ниқоблари, 3-сонли Сайрам касалхонасига эса 12 миллион тенгега беш дона ЎСШ (ўпкани сунъий шамоллатиш) аппарати, шунингдек, тиббиёт ниқоблари тўхфа қилди.** Айни кунларда Сайрамда АХКМ учун мўлжалланган бино қурилишини ниҳоясига

етказиб, уни бепул фойдаланишга бермоқчи.

Лазизхоннинг муҳтож инсонларга кўрсатаётган муруввати жорий йилги “**Жомарт жүрек**” совриндорларини тақдирлаш тадбирида эътироф этилиб, Шимкент шаҳар Қоратов тумани ҳоқими А. Алиқулов номидан «Ерен ерликлик» номинациясига сазовор бўлиши ҳам бежиз эмасди.

Лазизхондаги ғайрат ва шижоат, камтарлик ва фидойилик, бошлаган ишни охирига етказиш каби юксак инсоний фазилатлар унинг падари бузруквори Низомхон ака Сулаймоновдан ўтган бўлса, ажабмас.

Ҳа, элимиз Лазизхон Сулаймонов каби мард ва танти, сахий ва довурак фарзандлари билан фахрланишга ҳақли. Шу билан бирга, уларнинг юрт равнақи йўлида янада кўплаб ишлар қилишига имкон яратилиши муҳим.

Унинг сайловолди дастури қуруқ ваъдалар эмас, балки аниқ режалардан иборат. Дарҳақиқат, яқин келажакда Лазизхон ижтимоий аҳамиятга эга иншоотлар қурилишига кўпроқ эътибор қаратиш, Қоратов тумани аҳолисини табиий газ ва ичимли сув билан тўла таъминлаш, тарихий ёдгорлик ва обидаларни ободонлаштириш, Шимкент шаҳридаги шифохона ва касалхоналарга замонавий тиббиёт ускуналарини етказиш, тиббиёт ходимлари ҳамда педагогларни ижтимоий муҳофазалаш, интернет тармоғининг жадал ишлашига эришиш каби долзарб масалалар билан шуғулланишни режалардан.

Nur Otan партияси праймеризига Шимкент шаҳар маслаҳати депутатлигига номзод этиб кўрсатилган Лазизхон Сулаймоновни қўллаб-қувватласак, бу мақсадлар, шубҳасиз, рўёбга ошади. У ҳали ёш бўлишига қарамай, меҳнатсевар, билимли, ишчан, талабчан, масъулиятли, эл равнақи йўлида ҳормай-толмай хизмат қилишга бел боғлаган. **Лазизхон: “Йигит ваъда қилмайди, йигитнинг сўзи — ваъда”, деган шiorга амал қилади.**

Сайловчилар ишонч билдиришса, у янги куч, янги ғайрат ва янги шижоат билан юртимиз гуллаб-яшнаши йўлида самарали меҳнат қилаверади.

З. МҮМИНЖОНОВ.

NUR OTAN PARTIYASI PRAЙMERIZIGA
САЙРАМ ТУМАНИДАН НОМЗОД



ТОЙЖОНОВ Аброр Бахтиёр ўғли

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

Элбоши Н. Назарбаевнинг “Келажакка йўлланма: Маънавий янгиликлар” дастури доирасида бунёд этилган оқилана йўл миллий қадриятларимизни жаҳон миқёсида танитмоқда, ҳозирги синовли паллада аҳиллиги ярашган халқимиз бир тан, бир жон бўлиб, ошкоралик ва ҳалолликни дастуриламал билиб, фақат сўзда эмас, балки аниқ ишлар билан амалда ўзларини кўрсатаётгани маълум. Гендер сиёсатининг олға силжиши учун хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига аралашши заруратидан келиб чиқиб, Мен фаол шахс сифатида бугунги жаҳондаги аҳвол, яъни пандемия асоратларини бартараф этишга ёрдам бериш, ҳокимият ва аҳоли бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қилишга тайёрман.

Асосий қоидаларимдан бири – ҚР Президенти Қ. Тўқаевнинг навбатдаги Мақтубида кўрсатилган “Халқ дардини тинглайдиган давлат” – бу, чин маънода “Адолатли давлат” барпо этиш концепциясидир.

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИМ ҚУЙИДАГИ ЙўНАЛИШЛАРДАН ИБОРАТ:

Мақсадим:

1. Қишлоқдаги майда хўжаликларни йириклаштириш, деҳқончиликда бошоқли дон экинлари (буғдой, шол, арпа) ўстириш йўналишини мукамал йўлга қўйиш, ҳосилни қайта ишлаб чиқарадиган корхоналар очиш ҳисобидан қишлоқ ёшлари ва хотин-қизларини иш билан таъминлаш;
2. Қишлоқда аҳолига хизмат кўрсатиш учун махсус “Ўт ўчириш – 01” депосини очиш;
3. Қишлоқ аҳолисига, кам таъминланган оилаларга маънавий ва моддий ёрдам кўрсатиш; янги оилалар (энди турмуш қурган ёш оилалар)га хусусий хўжаликларини ташкил этишлари учун ер участкалари ажратишга ёрдамлашиш;
4. Қишлоқ ёшлари ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш;
5. Қишлоқда ҳозирги кунда асосий муаммолардан бири бўлган интернет тармоғини яхшилашга ёрдамлашиш;
6. Ҳозирги кунда мамлакатдаги фавқулодда вазиятга оид қишлоқда ҳам коронавирус пандемиясига мубтало бўлган кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий (дори-дармон, озик-овқат) ёрдам бериш.



ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Мен, Тойжонов Аброр Бахтиёр ўғли 1983 йил 13 июнда Жанубий Қозғоғистон вилояти, Сайрам туманининг Қорамурт қишлоғида туғулдим.

2000 йилда мактабни битиргач, Жанубий Қозғоғистон педагогика университетида “Қозғоқ тили ва адабиёти ҳамда инглиз тили” мутахассислиги бўйича таҳсил олдим.

2004 йилда 57-сонли Панфилов номидаги ўрта мактабга қозғоқ тили ўқитувчиси сифатида ишга жойлашдим.

2005 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб Ю. А. Гагарин номидаги ўрта мактабда фаолиятимни давом эттирдим.

2011 йилда эса “Янги йўл” ИЧШ раиси этиб тайинландим.

2012 йили “Меҳнат – XXI” ИЧШ фаолиятини тиклаб, 50дан зиёд одамни иш билан таъминладим.

2015 йилдан “ИП Тайжанов” муассиси сифатида фаолият юритмоқдаман.

2016 йил февраль ойидан эътиборан Қорамурт қишлоқ округи ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси этиб тайинландим.

2019 йилдан “Бирлашув” ИЧШ раҳбариман.

Оилалиман, 3 фарзандим бор.

NUR OTAN PARTIYASI
PRAЙMERIZIGA ҚАЗИҒУРТ
ТУМАНИДАН НОМЗОД

СОБИТОВ Жавлон Баҳодир ўғли

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

МЕНИНГ МАҚСАДИМ –
МИЛЛАТЛАРАРО ТУТУВЛИКНИНГ
ҚОЗҒОҒИСТОНГА ХОС УСЛУБИНИ
ТАРҒИБОТ ҚИЛИШ

Ҳурматли Қазигурт тумани аҳолиси!

Элбоши, Nur Otan партияси раиси Нурсултан Назарбаев 2020 йилнинг март ойида ўтган партиянинг Сиёсий кенгаши бюроси мажлисида Праймериз тўғрисида ташаббус кўтарган эди. Праймериз жараёнида партия дастурларида ўз ечимини топадиган долзарб, маҳаллий масалалар ошқор бўлади. Демак, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган, халқ дарди билан яшайдиган фуқароларга юксак масъулият юкланмоқда.

Мен, Жавлон Баҳодир ўғли Собитов, Nur Otan партияси Қазигурт тумани филиалининг сиёсий кенгаши аъзосиман. Жамиятдаги ҳар қандай масалага масъулият билан ёндашганим учун праймеризга қатнашиб, мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳалари ривожига ўз ҳиссамни қўшишга қарор қилдим.

Бугунги кунда мамлакатимиз учун барқарорлик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик ўта муҳим масала. Мустақил давлатимизнинг тинчлиги ва тотувлиги, бирлиги ҳамда ҳамжиҳатлигини сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Шу мақсадда, ҳаётда тўплаган тажрибамдан фойдаланган ҳолда ёш авлод онгидан Ватанга муҳаббатни метин тамойилга айланиши учун бор куч-ғайратимни аямайман.

Праймеризда номзод сифатида иштирок этар эканман, қуйидаги вазифаларни бажаришни фуқаролик бурчим, деб биламан:

- Болаларнинг етук илм эгаллашлари учун зарур бўлган барча функцияларга эга онлайн таълим дастурини тезкорлик билан тайёрлашга шароит яратиш. Ўқувчиларнинг масофадан таълим олишлари учун қулай имкониятлар яратиш;
- Ёш авлоднинг спорт ва ижодий қизиқишига алоҳида эътибор қаратиш. Уларнинг спорт турлари билан мунтазам шуғулланишига шароит яратиш бериш. Тумандаги қишлоқ марказларида спорт тўғарақларининг очилишини қатъий назоратга олиш;
- Ёш авлодга хунармандчилик асослари ва миллий қадриятларимизни чуқур ўргатадиган тўғарақлар ишини жонлантириш;
- Қишлоқ хўжалиги учун жуда муҳим ва катта аҳамиятга эга сув манбаларидан унумли фойдаланиш;
- Кўп миллатли қозғоғистонликларнинг тотувлиги ва бирлигини мустаҳкамлаш. Мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик, миллатлараро ва динлараро тотувликнинг ривожланишига ҳисса қўшиш – ҳаётий ширим.
- Маданият ва санъат соҳаси ходимларини қўллаб-қувватлаш;
- Президентимиз Қ. Тўқаевнинг Ҳукуматга топширган “Ансаған саби” дастурининг тегишли даражада амалга ошишини назорат қилиш;
- Қишлоқ жойлардаги шифокорлар қонуний ҳуқуқларининг поймол этилишига йўл қўймаслик;
- Қишлоқда меҳнат қилишга иштиёқи баланд ёш мутахассисларга давлат томонидан имтиёзларнинг мақсадга мувофиқ берилишига ёрдам кўрсатиш;
- Атроф-муҳитни кўкаламзорлаштириш, экологик тозаликни сақлаш, табиатни асраб-авайлашга ҳисса қўшиш;
- Нафақадорлар, имконияти чекланган фуқаролар, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, турмуш шароити ночор фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларини янада такомиллаштириш.

Ҳурматли сайловчиларим!

Юрт олдида ваъда бериш орқали зиммамга қатор масъулиятларни юклаб олаётганимни онгли равишда ҳис этаман. Ҳар бир одамнинг онг, шуурини ўстирадиган халқ экани маълум, шу элга сидқидилдан хизмат қилиш эса ҳар кимнинг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим. Мен мамлакатимизнинг келажак учун зиммамга юкланган вазифаларни тўла-тўқис адо этишимга ишонаман. Юртимизнинг муқаддас тупроғини босиб туриб, эл ишончини тўлиқ оқлашга ваъда бераман!



ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Жавлон Баҳодир ўғли Собитов 1984 йилда туғилган. 2001 йилда Туроб Тўла номидаги умумий ўрта мактабни қизил аттестатга тамомлаган. 2001-2005 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг ҳуқуқшунослик факультетини қизил диплом билан битирган.

Меҳнат фаолиятини Туроб Тўла номидаги мактабнинг ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилигидан бошлади. Шу йили Шимкент ижтимоий педагогика университетида ўқишга кириб, 2008 йилда тамомлади ва мактабда педагог-руҳшунос вазифасида ишлади. 2012 йилда мактаб директорининг ўринбосари бўлди. 2015 йилда Қазигурт тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси раислигига сайланди. 2015 йилдан шу кунгача Nur Otan партияси Қазигурт тумани филиали сиёсий кенгаши аъзоси.

Унинг таълим соҳаси, жамоат ишларидаги меҳнати муносиб баҳоланиб, фахрий ёрлик ва ташаккурномалар билан тақдирланган. Оилали, тўрт қиз, бир ўғли бор.

АГРАР СОҲАГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛАДИ

Буни Шимкент шаҳар қишлоқ хўжалиги ва ветеринария бошқармаси раҳбари Асқар Қанибеков маълум қилди.

– Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Кемелулиннинг Қозғоғистон халқига йўллаган Мақтубида қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан белгилаган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадига шаҳарда аграр соҳасида мажмуавий ишлар амалга оширилмоқда.

Чунончи, шаҳарда қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар 62,6 минг гектарни ташкил қилади. Экин майдонлари 39,5 минг гектар бўлса, унинг 27,9 минг гектари (70,6 фоизи) ўзлаштирилди. Бу 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 минг гектарга кўп.

Шаҳар ҳудудига қўшимча 11,7 гектарни ташкил қиладиган иссиқхоналар мавжуд. “Таза өнім” МЧБ иссиқхонаси майдони 6 гектарни, “Арман Агро” 3,7 гектар ва “Колесников А. В.” 2 гектарни ташкил қилади. Келгусида 15 гектар майдонда интенсив олма боғи барпо этилади.

Кузги йиғим-терим ишларига 1000 тон-

на дизель ёнилғиси ажратилиб, товар ишлаб чиқарувчиларнинг талабига мувофиқ 190,6 тоннаси тақсимлаб берилди.

Чорвачилик махсулотлари етиштириш режаси: гўшт – 10,6 минг тонна, сут – 35,1 минг тонна, тухум – 100,4 млн. дона ортиги билан амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасига жорий йилда 4 232,4 млн. тенге субсидия ажратилиб, 1 312,7 млн. тенгеси тўлиқ ўзлаштирилди.

Жорий йил қишлоқ хўжалик махсулотларининг экспорт ҳажми – 87,7 млн. тенгени ташкил қилди.

Қаровсиз, эгасиз қолган ит-мушукларни овлаш ва уларни йўқотиш учун бюджетдан 130,8 млн. тенге маблағ ажратилган, 8 ойда 27,5 мингтаси овланди.

Қишлоқ хўжалик экинлари зараркундалари ва канага қарши курашга бюджетдан 39,2 млн. тенге ажратилиб, кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

С. ШАРИФБОЕВА.

ҲАРАКАТЛАР МЎЪЖИЗАСИ

ЁХУД СИМ-САЛА БИМ, АХАЛАЙ-МАХАЛАЙНИНГ "ҚУДРАТИ"

■ Иллюзия санъати ҳақида ҳикоя қилувчи илк тарихий ҳужжат – қадимги миср адабиёти дурдонаси – «Вест-кар папируси» асари ҳисобланади. Унда эрамиздан олдинги 2900 йил (фиръавн Хуфу Хеопс даври)даги ҳодисалар акс этган. Манбада жонивор ўргатувчи Жеди ҳақида маълумот бор. Бир воқеада у боши узиб олинган ғознинг калласини қайта жойига ўрнатган. Ҳатто, энг тажовузкор шер ҳам Жедининг қаршисида ювош тортиб, ортидан эргашиб кетаверган экан.

■ Бадий адабиётларда илк бор XVI асрда, мантуялик Теофилио Фоленго (1491-1544)нинг "Макаронада" поэмасида кўз бойлогич Боккал де Бергамоск ҳақида маълумот келтирилган.

■ Монреаллик 44 ёшли иллюзиячи Седрик Варне гипноз сеанси чоғида ўз «қурбони»га «Эмиль Золянинг «Жерминаль» асари қўлёзмаси», дея ишонтириб, бир варақ оппоқ қоғозни 750 минг долларга сотди. Пулдор ўйлаб-нетиб ўтирмай, унга дарров чек ёзиб берди. Аммо чув тушганини эртасига, сеҳргарнинг «сеҳри» тарқаганидан сўнг билиб қолиб, полицияга мурожаат қилди. Варне эса бу ҳазил эканини, бир неча кундан сўнг пулини ўзига қайтариб, кечирим ҳам сўрамоқчи бўлиб юрганлигини айтди. Аммо унга ишонмади пар... Кўз бойлогич 750 мингдан нақ уч юзини сарфлашга ҳам улгурган экан. У барча қарзларини тўлаб, шаҳар четидан дангиллама уй харид қилиб, ёғочсозлик корхонаси акцияларини сотиб олганди...

■ Цилиндр шляпа ичидан қуёшни чиқариш томошасини биринчи бўлиб 1830 йилда Жон Генри Андерсон намойиш қилган.

■ Кўзбойлогичларнинг «Сим-сала-бим» деб айтадиган «сеҳрли сўзлар»ни илк бор даниялик иллюзиячи Данте (1883-1955) ишлатган. Мазкур тушунарси сўзлар аслида болаларга атаб ёзилган шеърдан олинган. «Аха-лай-маҳалай» ҳам шунчаки қофиядош сўзлар!

■ Генри Ролтайр (1853-1910) саҳнада велосипедда айлана туриб, секин-аста ҳавога кўтарилган бошларди. Энг қизиғи, у ҳавода велосипед билан «0» ҳамда тик ва ётиқ «8» шакллари «чизарди».

■ Грэйс Голдин (1873-1939) Нью-Йорк кўчаларида «қизни арралаб иккига бўлиш» томошасини кўрсатаётганида ташкилотчилар ҳар эҳимолга қарши «тез ёрдам» машинасини ҳам чақирди. Шўрки, ушбу трюкдан ҳали «арраланган» бирорта кишининг ўлганини иллюзия тарихи билмайди.

■ Ҳиндистонлик таниқли кўзбойлогич Сўркар (1913-1971) ўтган асрнинг 50-йилларида Британия телевидениеси орқали «қизни арралаш» томошасини кўрсатган. Дастур тўғридан-тўғри эфирга узатилган. Кўрсатув тугагач, студияга томошабинлардан жуда кўплаб кўнғироқ бўлди: арраланган қиз тирикми?»

■ Америкалик иллюзиячи Уильям Робинсон (1861-1918) ўзига хитойча Чан Лин Су тахаллусини танлаганди. У «ўқни ушлаб олиш» томошаси билан машҳур бўлган. Айнан шу томошаси сабабли Робинсон фожиали ўлим топди. Томошабинлардан бири ростакан ўқни ҳам тишлари билан тутди олади, деб унинг юзига қарата ҳақиқий тўппончадан ўқ узган...

■ XX асрда француз Жан-Этьен Робер-Уденнинг «Апельсин дарахти» томошаси машҳур бўлиб кетганди. У томошабинлар кўз ўнгида бир неча дона апельсин уругини тувакдаги тупроққа қадарди. Кейин алланималарни ғўлдираб, унга икки-уч марта сув қуярди. Тувакда дастлаб ниҳонча пайдо бўларди. Сўнг яшил дарахтчага айланиб, катталаша борарди. Охирида эса апельсин ҳосили берарди. Робер-Уден ўша апельсинлар билан томошага келганларни сийларди. Сўнги апельсинни узиб олиб, иккига бўлганида эса ичидан бир гала капалаклар учиб чиқарди.

■ Бу манбада учрайдиган яна бир сеҳргарнинг номи Веба-Анер. У мумга айланган тимсоҳни тирилтириб, улкан ва баджаҳл тимсоҳ яратиб, машҳур бўлган экан.

■ 1750 йилда италиялик кўзбойлогич Бальдуччи хўрознинг бошини олиб, яна қайта ўстириш фокусини намойиш қилган. Бальдуччи саҳнага хўрозни қўйиб юборарди. Унинг боши қанотлари остига боғланган бўлиб, ўрнига хўрознинг ясама боши елимлаб қўйиларди. Сўнг Бальдуччи жониворнинг бошини узиб олар ва ҳамма ёққа аввалдан тайёрлаб қўйилган қон (аслида томат пастаси) сачраб кетарди. Кейин калласи олинган хўрозни мато билан ёпардида, соғ бошини ечиб, яна саҳнага қўйиб юборарди. Шундан сўнг тирик хўрозни томошабинлар бемалол ушлаб кўриши мумкин бўларди.

■ Таниқли кўзбойлогич Гарри Гудининг асл исми-шарифи Эрих Вайсс. У болалигида буюк сеҳргар ҳисобланган Робер-Уденнинг фокусларидан ҳайратга тушарди. Шу боис ўзига Гудини (Таржимаси – «Уденга ўхшаш») тахаллусини танлаган.



■ Чикаголик машҳур кўзбойлогич Дэвид Копперфильд йилига 57 миллион доллар маош олади. Йилига 500 томоша кўрсатади. Унга ўнлаб конструкторлар хизмат кўрсатади.

■ Йўқ жойдан, ҳаводан тангалар ёғдириш фокуси «Хасиснинг орзуси» деб номланади.

■ Фарбада «Олов ютувчи» номи билан машҳур бўлган Ферхат Измир бир сафар қайноқ шўрвадан оғзи куйиб, ши-фоҳонага тушган.

■ Томошабинларнинг кўз ўнгида таниқли кўзбойлогич Лафайет бир ҳабашни грим қилиб, ўзига ўхшатиб, оқ танли кишига айлантирган. Кейин унга худди иллюзиячиники каби либос кийдирилди. Қорадан оқ танлига айланган ҳабаш томошабинларнинг ёнига келар, ясама соқоли ва шляпасини ечарди. У Лафайетнинг ўзи бўлиб чиқарди.

■ Циркда томоша кўрсатилган эди. Еккей Енсен исми ўғри илгакда турган фракни олди-ю, ўрнига ўзининг яғри чиқиб кетган кийимини олиб, жуфтани ростлади. Негаки, у Копенгаген полициясидан қочиб юрганди. Кийимини ўзгартирмас бўлмасди. Фракни кийиб олган Енсен трамвай бекатига келди. Кутилмаганда фракнинг ички чўнтагидан пориллаб каптар учиб чиқиб кетди. Кетидан яна иккитаси... Кейин кийимда яна нимадир ғимирлаб қолди. Қўрқувдан тош қотган жиноятчи нима қиларини билмасди. Юрак ютиб, қимирлаган жойга қўлини тикди... қуён экан! Бунинг бари бекатда туриб ҳайратдан ёқа ушлаган одамларнинг кўз ўнгида содир бўлмокда эди. Сўнг кутилмаганда фракнинг энгларидан иккита бўғма илон чиқиб келди... Кейин эса бошқа жониворлар, судралувчилар... Энг охирида улкан ва жирканч бақа чиққанида жиноятчи ерга беҳуш гурсиллаб қулади. Худди шу ерда уни фракнинг эгаси – иллюзиячи Кемпелл топиб олди.

■ Иллюзиячи Тен Иши саҳнага японча чойнак билан чиқиб келарди. Кейин унинг устига бир стакан сув қуйиб, қоқоғини ёпиб кўярди. Кутилмаганда чойнакдан ингичка фаввора отила бошларди. Иши унга сеҳрли таёқчасини теккизарди. Шунда фаввора «сакраб», таёқчага ўтиб оларди.

■ Фокусчи дарҳол елпиғични ёйиб, у билан фавворани тўсарди. Энди эса

фаввора учта бўлиб, елпиғичдан отиларди. Тен Иши японча қилич билан елпиғични бир урар, шунда елпиғичдан фаввора отилиши тўхтарди. Аммо сув энди қилич дамида отила бошларди. Кейин ёрдамчиси чиқиб, сеҳрли таёқчасини қиличга теккизарди. Худди шуни кутиб тургандек, энди Тен Ишининг бармоқлари ва сочлари орасидан тизиллаб сув отила бошларди...



■ Машҳур иллюзиячи Амаяк Акопян яқинда «Комсомольская правда» газетаси тахририятига бориб, фокус кўрсатади. Бир уюм долларни кастрюлка ичига солиб, устини газета билан ёпади ва ўт қўйиб юборади. Олов сўнгач, одамлар долларнинг ўрнида бир неча баравар кўп россия рубллари пайдо бўлиб қолганига гувоҳ бўлишади.

■ Аквариум-одам Алини «Сирли мисрлик» деб аташган. У 1916 йилда Россия циркларига томоша кўрсатарди. Али саҳнага чиқач, 40 стакан сув ичарди. Кейин аквариумдан бир неча бақа ва тилла балиқ олиб, тириклай ютарди. Шундан сўнг унинг оғзидан икки метрча узунликдаги фаввора отилиб чиқа бошларди. Али томошабинларнинг талабига биноан ё тилла балиқ, ё бақа ҳам чиқарарди. Энг қизиғи, фаввора турли рангларда бўларди. Рангларни ҳам томошабинларнинг ўзи айтишарди. Фокус сўнгида эса Али керосин ичар ва оғзидан керосин фаввораси отила бошларди. Ёрдамчиси эса унинг оғзига машъалани яқинлаштирганида фаввора ёниб отила бошларди.



■ Қозоғистонлик машҳур кўз бойлогич Ғабдикамал Кўнқараевнинг томошасида одамлар қутига кириб кетади ва ғойиб бўлади. Қути уч-тўрт марта айлангач, улар яна пайдо бўлади.

■ Ўзбекистонда ҳам Иллюзионизм қадимдан мавжуд бўлиб, ўзбек циркида иллюзиячилар найрангбоз, кўзбоғловчи деб номланган. Улар сув ичиб, олов пуркаган, оғзига қоғоз, вада тиқиб, рангли ип ёки ленталар чиқарган, «сеҳрли коса»га буйруқ қилиб, сув улашган, «Кашмир китоби»нинг оқ саҳифаларида турли ёзув ҳамда суратлар пайдо қилган, тупроқдан палов пиширган, ханжар ютган, шогирд қулоқларидан ип ўтказган, қуён, қарға, илон иштирокида турли фокуслар кўрсатишган. Ўзбек найрангбозларининг ноёб санъати Навоий, Восифий асарларида акс этган. Ҳозирги кунда Иллюзионизм ўйинлари Тошкент цирки ва «Саҳнадаги цирк» томошаларида алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбек иллюзионистлари Германия, Миср, Хитой, Ливан, Бирлашган Араб Амирликлари, Вьетнамда ўз санъатларини намойиш этишган.



■ Жорий йил 31 май куни австриялик фокусчилар Томми Тен ва Амели Ван америкалик томошабинларнинг чўнтагидаги буюмларни батафсил тасвирлаб, уларни ҳайратда қолдирди.

Улар «ғойибдан хабар ола билиш» истеъдодини намойён этди ҳамда ҳакамлар ва томошабинларни ҳайратда қолдирди, деб ёзади TJournal.

Бу йилнинг энг машҳур томошаси ушбу жуфтлик олдиндан кўра билиш қобилиятига эга эканлиги иллюзияси-

га асосланган. Одатда қизнинг кўзини боғлашади, шундан сўнг унинг шериги томошабинлар олдига тушиб, улардан турли буюмларни ола бошлайди, Амели эса уларни батафсил тасвирлаб беради ва, ҳатто, улардаги майда ёзувларни, жумладан маҳсулот мuddати ёки серия рақамини ҳам «ўқиб беради».

Ван Тасс ва Тен ушбу томошани бутун дунё бўйлаб бир неча марта турли шароитларда – саҳнада, радиостанцияларда ва телевидениеда такрорлаган.

Уларнинг «ижоди» билан тўқнаш келганлардан ҳеч бири олдиндан келишув бўлгани ҳақида айтмаган.

Қизнинг ўзи эса Томми қўлига олган буюмларни «кўришни», уларнинг ҳарорати, шакли, ранги ва бошқа хусусиятларини ҳис қилишни таъкидлайди. Агар алоқа етарлича кучли бўлса, уларга туширилган матнларни ҳам ўқий бошлаши мумкин.

Авазхон АБДУФАТТОҲ.

Иммунитет – одам саломатлигини ташқи ёт омиллар таъсиридан сақлаб, бактерия, микроб, вирус ва инфекцияларга қаршилик кўрсатадиган тизим, организмнинг химоя ҳаракати. Боланинг иммунитетини асосан она сутти кўтаради. Бу илмий жиҳатдан исботланган. Шунинг учун болани бир ёшгача эмизиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёши катта болаларга эса гигиена қоидаларини ўргатиш зарур. Болани тоза ҳавога тез-тез чиқариб, кундуз кунни белгиланган вақтда ухлатиш керак. Болаларни иложи борича уйда овқатлантириш зарур.

Қўлни тез-тез ювиб туриш керак. Чунки, қўлни вируслар макони, дейиш мумкин. Мева ва

БОЛАЛАР ИММУНИТЕТИНИ ҚАНДАЙ КЎТАРАМИЗ?

сабзавотни мунтазам тановул қилиш лозим. Совиб қолган овқатни илтиб бериш керак. Совуқ сув ичмаган маъқул.

Антибиотиклар – тиббиётда кенг қўлланиладиган, муҳим аҳамиятга эга органик модда бўлиб, ундан тўғри фойдаланиш ҳаётиимизни сақлаб қолиши мумкин. Аксинча, антибиотиклар акс таъсир қилиши эҳтимол. Улар баъзида иммун тизимга қарши ишлаши ҳам мумкин. Антибиотиклар бактерияларга таъсир қилади, вирусларга эмас. Бактерияларга қарши препаратларни қабул қилиш орқали сиз иммунитетингизни кучсиз-

лантирасиз.

Кундаликда истеъмол қиладиган таомларимизда дармондори, минерал ва микроэлементлар мавжуд.

Витаминлар – қарши кўрсаткичлари бор органик бирикмадир. Улар салбий таъсир кўрсатиши мумкин, шунинг учун уларни шифокор тавсияси билан қабул қилиш керак.

Лаззат БАЙНИЕТОВА,
4-сонли Шимкент шаҳар шифохонаси педиатри.

СИЗНИНГ ФАРЗАНДИНГИЗ — БИЗНИНГ ҚУВОНЧИМИЗ!

Асалари билан инсон боласи ўртасидаги фарқ ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Йигирма кунлик асалари гулдан гулга кўниб, асал йиғади. Инсон фарзанди эса фақатгина икки ёшдан оёққа туради, гапиришни ўргана бошлайди. 6-7 ёшида мактабга боради. Уқишни, ёзишни ўрганади. Коллеж, университетни тугатганига қадар кўп ўқийди, ўрганади, интилади, изланади. Чунки яшаш учун ҳаётни, инсонларни ўрганишга, фойда-зарарни билишга мажбурдир. Ҳар бир ота-она фарзандини ана шундай ғов-тўсиқлардан силлиқ ўтишини, билимли, ўқимишли бўлишини хоҳлайди. Бу – ҳаётнинг ёзилмаган қонуни. Шундай эмасми? Келинг, мушоҳада қилиб кўрайлик.

Қорабулоқ қишлоғидаги 4-сонли мактаб-гимназиямизнинг очилганига кўп бўлмаса-да, туман, вилоят, қолаверса, республика миқёсида кўзга тушиб улгурди. Зиё масканини ёш, иқтидорли, ўз ишига масъулият билан ёндашиб бошқараётган директор Улуғбек Боялиев бу масалада мутахассисларни, яъни маъно денгизининг жавҳарларини тўғри танлаш, мактабнинг моддий-техника базасини яхшилашдан бошлади. Гимна-

мурғаккина ёшларнинг нималарга қодир эканлигини кўриб, ич-ичимдан қувонаман, ҳавасим келади. Малика Мадикаримова “Зерде” илмий лойиҳасида қатнашиб, вилоятда фахрли 2-ўрин, Лобар Фахриддинова “100 янги исътедод” республика фестивалида энг ёш суҳандон номинацияси бўйича I даражали диплом билан тақдирланди (устози Н. Акромова) Муслима Имомтоева (устози Д. Аботова), Султон Исо-

жасидаги “Оқулық” илмий-амалий порталининг эксперт хулосасига кўра, кўшимча қурол сифатида фойдаланиш учун мактаб ўқувчиларига тавсия этилди. Тажрибали устоз Раёно Исомиддинова республика олимпиадасида мақтов мақтов ёрлиғи билан тақдирланди. Бошланғич синф ўқитувчилари Нилуфар Анорметова, Малика Йўлдошева, Лола Бозортоева, Гулшуша Қуталасова каби устозлар турли даражадаги фан олимпиадаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Бошланғич синф ўқитувчиларига бош-қош бўлиб юрган Назгул Уалиева мазкур ўқув йилида билим сифатини оширишга қўшган ҳиссаси учун Таълим ва фан вазири А. Аймағамбетовнинг Фахрий ёрлиғи соҳибаси бўлди.

Бутун дунё бўйлаб тарқалган “COVID-19” сабаб дарслар масофадан ўқитилмоқда. Вазият аста-секинлик билан яхшиланмоқда. Ҳозирда ўқувчиларимиз билан боғланиб, синхрон, асинхрон шаклда дарсларимизни ташкил қилаямиз, сабоқларимизни қизиқarli чиқиши учун ZOOM, Google Meet, WhatsApp мессенджер тармоқларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Насиб

Замон талабига креатив ёндашиш — ўқитувчининг бурчи



Эрта тонгда жиринглаган телефондан севимли шогирдим Меҳруза Мўлайхонванинг овози жаранглаб эшитилди. Меҳруза бугунги кунда Алмати шаҳрида Абай номидаги Қозоқ миллий педагогика университетининг 2-босқичида таҳсил олмоқда.

– Ассалому алайкум устоз! Янги ўқув йилининг бошланиши ва жонажон 4-сонли гимназия мактабим битирувчиларининг қўлга киритган муваффақияти, яъни 15 нафар грант соҳибларининг олий ўқув юрларига йўлланма олганлиги билан табриклайман. Таълим даргоҳининг директори Улуғбек Боялиев раҳбарлигидаги ўз касбининг билимдонлари Абдурашид Тожиев, Маҳфуза Тожиева, Гулмира Юнусалиева, Муқаддам Сиддиқова ва бошқа барча устозларга менинг миннатдорчилигимни сафидаман. Университетда ўтказилган танловда иштирок этиб, 1-ўринни олди. Албатта, ушбу муваффақиятларга сиздек меҳрибонларимизнинг фидойи меҳнати туфайли эришяпман. Менимча, сизларга ҳам, ўқувчиларга ҳам осон эмас. Сабаби, мактаб партасида ўтирган ўқувчининг диққат-эътиборини дарсга жамлаб, асосий маззуни миясига «қуйиш»га одатланган-сизлар, масофадан (онлайн) ўқитишда қийналмаяпсизларми?, – дея ҳол-аҳвол сўради Меҳруза.

Дарҳақиқат, коронавирус иллати туфайли юзага келган бутунжаҳон пандемияси шароитида «масофадан ўқитиш»га кўчиш зарурати туғилди, унинг ўзига хос томонлари кўп.

“Масофадан ўқитиш” – инглизча “distance learning” атамасидан келиб чиқиб “distance education” яъни “масофавий таълим” атамаси сифатида ҳам ишлатилади. «Масофавий таълим» атамаси эса, таълим жараёнининг барча жиҳатларини ўз ичига қамраб олади. Ҳозирги кунда анъанавий таълим шакллари билан биргаликда масофавий таълим технологиялари жадаллик билан бутун дунёда ва МДХ давлатларида кенг қўлланилмоқда. Бу ёшларнинг, яъни янги авлоднинг кўпчилиги компьютердан эркин фойдалана олиши ва ҳар бир таълим муассасаси, ҳар

бир шахс интернет тармоғи ва ундаги маълумотлардан моҳирлик билан фойдаланишига боғлиқ.

Бизнинг 4-сонли мактаб гимназияда кўпроқ синхрон тарзда ўқитишга эътибор қаратаямиз. Ўқув йили бошланиши билан юқори малакали ўқитувчилик маҳоратига эга устозларимиз ота-оналар билан ҳамкорликда Zoom, Meet Google дастурларида ота-оналар йиғилишларини вебинар (тармоқ орқали семинар) шаклида уюштирдик. Ўқувчиларнинг масофадан олаётган билим савиясини ошириш омиллари ҳақида фикр алмашиб, ота-оналарни ҳамкорликда ўқитишга чорладик. Бу мулоқот давомида ота-оналар мактаб жамоасига самарали билим бериш захираларидан фойдаланиш борасидаги сайё-ҳаракатлари учун ўз миннатдорчиликларини билдириб, фарзандларига синхрон дарсларда иштирок этишлари учун интернет тармоқлари билан таъминлади-лар.

Синхрон ўқитиш педагогдан ҳам, ўқувчидан ҳам маълум даража тайёргарликни талаб этиши сир эмас, аммо бу каби ва бошқа турли даражадаги муаммоларни бартараф этиш учун гимназияда билимдон ва тажрибали устозларнинг ёш ўқитувчилар билан ҳамкорликдаги «Педагогик маҳорат мактаби» – ижодий гуруҳи тизимли иш олиб бормоқда, бу консилиумлар ёшлар учун жуда фойдали бўлаётгани ўқув жараёнида намоён бўлмоқда. Фикримнинг далили сифатида шуни таъкидлагим келади. Жуда оз вақт ичида 4-сонли мактаб гимназияда билим олган ўқувчилар давлат грантларига эга бўлиб, Қозоғистоннинг турли олий ўқув юрларига таҳсил олмоқдалар. Жумладан, ўтган ўқув йилини масофадан ўқиб тугатган битирувчи ўқувчиларимиз мамлакатимизнинг нуфузли университетлари грантларини қўлга киритишди. Мен ҳам барча битирувчиларимизга – Муқаддам Сиддиқова ва Ҳасан Холтоевлар раҳбарлик қилган синф битирувчилари: Марвариди Абдумавлонова, Зарина Абдумавлонова, Маликабону Абдуллаева, Зулфизар Ибодуллоева, Гулноз Тўймуродова, Элдор Ўрмонтоев, Чарос Эшонқулова, Бобур Аҳмаджонов, Баҳром Аҳмедов, Маҳлиё Анорхонова, Наврўз Исмоилжонов, Насиба Қурбонтоева, Нозила Равшанбекова, Мафтуна Расултоева, Шукрулло Эргашевларни Қозоғистоннинг олис ва яқин ОУЮига грант асосида турли мутахассисликлар бўйича ўқишга кирганликлари билан қутлаб, Ватанимиз равнақиға ҳисса қўшадиган касб эгалари бўлишини тилаб қоламан.

Феруза АБУБАКИРОВА,
4-сонли мактаб-гимназиянинг химия фани ўқитувчиси.
Сайрам тумани,
Қорабулоқ қишлоғи.



зияга келаётган ҳар бир ўқувчинининг бир қисми, бир парча юрагига айлантира олди. Ўқитувчилик фаолиятини бошлаётган устозлар ҳам айнан ана шу йўналишни ўзларига дастуриламал қилиб олди.

Таълим масканидаги тарбиявий тадбирлар ҳам ўқитувчилар, ҳам ўқувчилар жамоасини жипслаштирди. Мисол тариқасида айтадиган бўлсам, ўтган ўқув йилида “Биз биргамиз” челленжи натижасида ўқитувчилар ҳар бир синфдаги ўқувчилар билан ажралмас қисмга айланди. Уларнинг янги қирралари, иқтидорлари, қобилиятлари очилди. Анаъанага айланган “Олтин куз” – ҳосил байрами ҳам гимназия ўқувчиларига олам-олам қувонч бағишлайди.

Гимназия ўқувчиларининг ҳам, устозларининг ҳам таълим соҳасида эришган муваффақиятлари салмоқли. Камина бошланғич синфга билим берганим учун

мов (устози Н. Анорметова), Ширин Қўшоқова (устози К. Абдураҳмонова) математикадан республика миқёсида ўтказилаётган “Самўрық” заковат олимпиадасида қатнашиб, диплом ва кўкрак нишонлари билан тақдирланди. Мадина Тоҳирова республика миқёсида уюштирилган “Ақбўта” заковат марафонининг I даражали дипломига ноил бўлди. Шунингдек, Марям Йўлдошбекова, Бахтжон Ҳаётжонов, Муслима Имомтоева, Шаҳзод Эргешов, Гулноза Талъатбекова Азиз Юсуфжонов, Нурилло Абдураҳмоновлар 2-3-даражали дипломга сазовор бўлишди. “Бастау” турнирида иштирок этган Ж. Аҳмедов 1-уринни эгаллади (устози Л. Бозорбаева).

Билимдон ўқувчиларнинг устозлари Нафосат Акромова ва Дилмура Аботова тайёрлаган жамловчи баҳолаш бўйича топшиқлар тўплами республика дара-

қилса, яқин кунларда илм маскани яна ўқувчиларни ўз бағрига олади, мактаб ҳовлилари болаларнинг шўх-шодон кулгусига тўлади.

Мақоламини меҳнатсевар асалари болаларини инсонларга таққослашдан бошлагандим. Уни мантиқан давом эттирмақчиман. У асал йиғишни ўрганиши учун на ўқишга, на олий ўқув юртини битиришга эҳтиёжи бор. У дунё ҳаётига мукамал ҳолда юборилган. Инидан чиқар-чиқмас ишини бошлайди. Биз, инсонлар эса умр бўйи – бешиқдан қабргача илм олишга, ўрганишга буюрилганмиз. Инсон қобилиятини ҳаракат, меҳнат, билим ва тажриба ўстиради, ривожлантиради. Шунинг учун билим масканини танлашда адашманг, биз бирга юксак доvonларни забт этамиз!

Нафосат АКРОМОВА,
бошланғич синф ўқитувчиси.

● Тўйхат ўрнида

**Миллатимизнинг
фидойи фарзанди**

Қозғоғистон ўзбеклари этномаданият бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамиятининг раиси И. Ҳошимжоновнинг фаолияти эл равнақи, миллатлараро тотувликка қаратилган. У куну тун эл дардида, халқ манфаати, тинчлик ва оқилоллик билан қарор қилиб, қўлида тиним билмайди.

Мен у билан сафарларда, анжуманларда, учрашувларда бўлганман. Бирор дақиқа хотиржам юрганини кўрмаганман, телефони ҳам тинмайди. Оилавий можаролар, ёрдамга муҳтожлар, келишолмаётган кўшчилар, ҳужжатлардаги ишқалликлар туфайли муружаат қилаётган муҳожирлар,

олий ўқув юртларидаги муаммолар, мактабларда ечимини топмаётган масалалар, газетамизга обуна бўлиш, жойлардаги этномаданият бирлашмаларидаги муаммолар, қўйинг-чи миллатнинг катта залворли юки унинг зиммасида.

1999 йилда эл оғаси, давлат ва жамоат арбоби Маҳаммадрасул Исоқовдан фотиҳа олган И. Ҳошимжоновни вилоят ўзбек маданият марказига раисликка халқимиз умид билан сайлаган эди. Мана, қарийб 20 йилдан зиёд у ишончимизни оқлаб, беминнат хизмат қилиб келмоқда. Ўтган йиллар давомида жуда кўп аҳамиятга молик тадбирлар ўтказилди: она тилимиз, маданиятимиз, маънавиятимиз, урф-одат ва анъаналаримиз ривожига бор имкониятини сафарбар этди, фаҳрга арзигулик ютуқларни қўлга киритди. Жисслашган, ўзаро ҳурматни теран тушунадиган, инсонларни бирлаштириб, аҳил жамоа тузиб олди. Улар билан маслаҳатлашиб халқимизнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қоладиган тадбирларни ўтказмоқда. Ана шулардан бири бўлган тарихий воқеа – вилоят ўзбек драма театрининг очилиши эди. Юртбошимиз келиб, ўзи рамзий тасмасини қирқиб, очиб берган театр бугунги кунда кўп муваффақиятларни қўлга киритди. 2016 йилда миллатдошларимиз Икромжонга катта ишонч билдириб, уни “Дўстлик” ҳамжамиятига раисликка сайлади. 18 йил вилоятда раислик қилиб, катта тажриба орттирган Икром Ақром ўғли бу вазифани ҳам муваффақиятли урдаламоқда.

Сўнги 4 йилда амалга оширилган ишлар тарих варақларига зарҳал ҳарфлар билан битилса ажаб эмас.

Ўзбекистон билан яқин дўстона алоқалар, у ердаги қозоқ маданияти маркази билан ҳамкорлик, ижодкорларнинг адабий алоқалари, учрашувлари, мушоиралар, санъаткорларимизнинг ўзаро алоқалари, она тилимизнинг ривожига бағишланган анжуманлардаги иштирокимиз, янги чоп этилган китоблар тақдироти, таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, “Оталар чойхонаси” кўрсатувнинг Қозғоғистонда суратга олиниши, Тошкентдаги мухташам “Халқлар дўстлиги” саройида қозғоғистонлик санъаткорларнинг “Дўстлик тароналари” катта концерти уюштирилиши, республика миқёсида ўтказилган хотин-қизлар, ёшлар форумлари, миллатлараро тотувлик ва барқарорликка бағишланган анжуманлар, Халқаро Амир Темур жамғармаси билан яқин алоқалар, машҳур ҳамюртларимиз хотирасига бағишланган тадбирлар, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ўтказилган танлов ва олимпиадалар, табиий офат туфайли азият чеккан ҳамюртларимизга, арислик ва мақтаралликларга кўрсатилган инсонпарварлик ёрдамлари ва ҳ.к., уларни санаб адоғига етиш мушкул.

Таниқли давлат ва жамоат арбоби Рўзақул Холмуродов тамал тошини қўйган “Давлат тилини билиш – фарзинг” деб номланган республика танловини Икромжон юқори савияда давом эттириб келмоқда. Сўнги йилларда 100дан зиёд ёшларимиз ОўЮда сертификатлар асосида бепул ўқиб, битириб халқимизга хизмат қилмоқда.

Икромжондаги миллатпарварлик, саҳийлик, бағрикенглик, меҳмондўстлик, айниқса, ғайрат ва шижоатдан ёшларимиз ибрат олса арзийди. Биз миллатимизнинг мана шундай мард ва танти ўғлини билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Мана, бугун миллатимиз сардори нафақа ёшига етди. Фарзандларини жой-жойига қўйган, уларни ўқитиб, илмли қилиб, халқ хизматида камарбаста қилган, уларни халқимиз қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялаб вояга етказган Икромжонни қутлуг айёми – туғилган кунини билан муборакбод этамиз. Соғлик-омонлик, ишларига муваффақият, оиласига қут-баракат, узоқ умр тилаб қоламиз. Турмуш ўртоғи Каримахон билан қўша қариб, фарзандлар, неваралар оғушида қариллик гаштини суришини Яратгандан тилаймиз.

Омад Сизга ёр бўлсин, пайғамбар ёшингиз муборак бўлсин, Икромжон!

Бегмат ТУРДИҚУЛОВ,

Қозғоғистон ўзбеклари этномаданият бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамияти қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси, нафақадаги устоз.

**NUR OTAN PARTIYASININĖ PRAJMERIZINE
SHYMKENT QALASYNAN YMITKER****НИШАНБАЕВ
Тахирбек
Фархадўлы****Сайлаулды бағдарламасы****ЎЛТ ДЕНСАУЛЫҒЫ – ТАБЫСТЫ
БОЛАШАҒЫМЫЗДЫҒЫ НЕҒИЗИ**

- Сапалы және қолжетімді медициналық қызметтерді жетілдіру үшін күш саламын;

- Науқастарды қашықтықтан емдеу тәсілін дамытып, диагностикалық тексерулердің сапасына көңіл бөлемін.

- Денсаулық сақтау саласын цифрландыруды басшылыққа аламын;

- Медицина мекемелерін шетелдік заманауи техникамен жабдықталуын қадағалаймын.

- Көпсалалы ауруханалардың тұрғындарды сапалы емдеп шығуына бақылауды күшейтемін.

- Ауданда дәрігерлік амбулаториялардың салынуына және медициналық нысандар тапшылығын шешуге атсалысамын.

- Қатерлі ісік ауруларын емдеу үшін позитронды-эмиссиондық томографияның іске қосылуына күш саламын.

- Көпбалалы аз қамтылған отбасыларға, мүмкіндігі шектеулі жандарға медициналық көмектің сапалы болуын қадағалаймын.

- Ардагерлер мен жалғыз қарттарға медициналық қызметтердің жоғары деңгейде көрсетілуін бақылауға аламын.

- Медицина қызметкерлерінің жалақысын көтеруге атсалысамын.

**ЭКОНОМИКАЛЫҚ ӨРЛЕУ МЕН
КӘСІПКЕРЛІК МӘСЕЛЕСІ**

- Ауданда тұрақты жұмыс орындарының ашылуына жағдай жасаймын.

- Шетелдік инвесторлармен бірлесе ауыл шаруашылығы бойынша жобалардың жүзеге асырылуына атсалысамын.

- Ауыл шаруашылығы тауарларын өндірушілерде субсидиялауды бақылауға аламын.

- Аудандағы ауыл шаруашылық өнімдерін көршілес елдерге экспорттауға атсалысамын.

- “Оңтүстік” арнайы экономикалық аймағын, әлеуетін арттыруға күш саламын.

- Жылыжайлардың көлемін арттырып, көлік-логистикалық аймақ құруға күш саламын.

- Жастар мен әйелдер кәсіпкерлігін дамытуға, жеңілдетілген несие берілуіне күш саламын.

- “Еңбек” жаппай кәсіпкерлікті дамыту бағдарламасы аясында шағын кәсіпкерлік субъектілеріне қолдау көрсетілуін бақылаймын.

ТҰРҒЫНДАРДЫ БАСПАНАМЕН ҚАМТУ

- Жергілікті атқарушы органдарда тұрғын үй кезегінде тұрған азаматтарға несиелік тұрғын үйлердің қолжетімді болуын бақылаймын.

- Көпқабатты үйлердің аулаларында ойын-сауық орталықтарының салынуына атсалысамын.

- Көп балалы отбасы және әлеуметтік әлсіз топтағы азаматтардың баспана мен қамтылуына жағдай жасаймын.

ӘЛЕУМЕТТІК САЛАНЫ ДАМУ

- Жоғары және бірінші санаттағы мұғалімдердің көбеюіне атсалысамын.

- Сапалы әрі жүйелі білім беруді дамытуды қолға алып, үш ауысымды мектептерді жойып, жаңа типтік негіздегі білім ошақтарын салуға күш саламын.

- Педагогтардың мәртебесін көтеріп, оқу орындарын материалдық-техникалық базасын нығайтуға атсалысамын.

- Қала және ауданда спорттық дене шынықтыру – сауықтыру кешендерін салуға және спорт мектептері мен стадиондардың күрделі жөндеуден өткізуге атсалысамын.

- Жас отбасыларға, көп балалы және аз қамтылған жанұяларға көмек беріп, ардагерлер қауымына тынығатын орталықтар ашуға атсалысамын.

- Спорттық сауықтыру кешендердің салынуына, стрит-воркаут және спорт алаңдарының ашылуына күш саламын.

- Көп қабатты тұрғын үйлердің аулаларын абаттандырып, ұлттық спорт түрлерін насихаттауды басшылыққа аламын.

**Елімнің тағдыры – менің тағдырым!
Юртим тақдири – мениң тақдири!**

Бош мұхәррир — Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Бош мұхәррир

ўринбосарлари:

Муроджон АБУБАКИРОВ.

Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масўул котиба –

Шаҳноза УСМОНОВА.

Масўул шахслар:

Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.

Тўлебий — Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.

Қазигурт — Хуршид ҚЎҚОРОВ. +7-701-447-37-42.

Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.

Тулкибош — Мунира САЎДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.

Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси – “Жанубий Қозғоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масўулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масўулдир.

● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-уй, 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.

Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

Нашр кўрсаткичи – 65466.
Адади – 10270 нуска.

ERNUR-print МЧБ босмаҳонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Буюртма: 2467.

Навбатчи мұхәррир: Саодат ШАРИФБОЕВА.